



ISSN 2181-3388

ujcr.uz

eISSN 2181-3876

2022. Том 3, SP

# UZBEK JOURNAL OF CASE REPORTS

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ И ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ

международной научно-практической конференции



**Болезни современной цивилизации:  
междисциплинарные исследования**

Google Scholar

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
**LIBRARY.RU**

**CYBERLENINKA**

**READera**

Yuz-jag' soxasida uchraydigan furunkul va karbunkullarni davolashni takomillashtirish usullari <i>Narziyeva D.B., Muxtorov A.A., Ziyodullayeva M. S.</i> . . . . . 147	Йўл транспорт ҳодисаларида ўлим <i>Жуманиёзов К.Й., Жуманиёзова Г.С., Алимова М.М.</i> . . . . . 152
Артериал гипертензия ва семизлик билан оғриган беморларда артериал қон босимининг хусусиятлари <i>Нуритдинова Н.Б., Шукурджанова С.М., Махмудова М.С.</i> . . . . . 147	Климактерик синдром кузатилган сурункали буйрак касаллиги 5 босқичидаги беморларда гемостаз тизимидаги ўзгаришлар <i>Исиргапова С.Н.</i> . . . . . 153
Артериал гипертензиянинг covid-19 коронавирус инфекциясидан кейинги даврда кечиши хусусиятлари <i>Нуриллаева Н.М., Ярмухамедова Д.З.</i> . . . . . 148	Миокард инфарктида кичик дозадаги добутамини стресс-эхокардиографияда чап қоринчанинг бўйлама систолик функцияси кўрсаткичлари динамикаси <i>Кенжаев С.Р., Убайдуллаева Ш.М., Каиров А.К.</i> . . . . . 153
Бариатрик жаррохликнинг юрак қон-томир хавф омилларига таъсири <i>Адилова Н.Ш., Шагазатова Б.Х.</i> . . . . . 148	Остеопороз билан касалланган аёлларда пародонт тўқимаси касалликларини қиёсий ташхислаш кўрсаткичлари <i>Даминова Ш.Б., Казакова Н.Н.</i> . . . . . 154
Билатерал сут беги саратони: даволаш самарадорлигини аниқлашда клиник, морфологик ва иммуногистохимик хусусиятларининг аҳамияти <i>Тугизова Д.И., Фармонова Д.</i> . . . . . 148	Периферик лимфа тугунлар туберкулёзида қўлланиладиган жаррохлик муолажаларининг самарадорлигини баҳолаш <i>Адилходжаев А.А., Мўминова З.А., Рисқиев А.А., Абдусаматов А.А.</i> . . . . . 155
Болалар мия фалажига қарши физиотерапия муолажалари самарадорлиги <i>Эгамова М.Т., Расулов Ж.Ш.</i> . . . . . 149	Периферик лимфа тугунлари туберкулёзида дориларга чидамли микобактерияларнинг учраш частотаси <i>Адилходжаев А.А., Муминова З.А., Рисқиев А.А., Абдусаматов А.А.</i> . . . . . 156
Бўғим туберкулёзининг эрта ташхислашнинг замонавий методлари <i>Газиев З.А.</i> . . . . . 149	Реперфузия самарадорлигига қараб st элевацияли ўткир миокард инфарктининг клиник кечиши <i>Аляви А.Л., Кенжаев С.Р., Убайдуллаева Ш.М., Кенжаев С.Р.</i> . . . . . 156
Донорлар популяциясида torch инфекциясини учраш частотаси <i>Саматова Л.Д., Саидов А.Б., Бобожонова Ш.Д.</i> . . . . . 150	Covid19дан кейин femur boshi aseptik nekrozining dastlabki bosqichining nurli tashxisi <i>Aliaxunova M.Y., Ikromov J.R.</i> . . . . . 157
Жанубий орол бўйи минтақасида сил касаллиги эпидемиологиясининг географик хусусиятлари <i>Хамраев А.К., Юлдашев Г.К.</i> . . . . . 150	Сурункали кайтоловчи катарал гингивитни физиотерапевтик усуллар билан даволаш <i>Эгамова М.Т., Расулов Ж.Ш.</i> . . . . . 157
Жигарнинг сурункали касалликларида диетотерапияда маҳаллий маҳсулотлар қўллашнинг самараси <i>Шамуратова Н. Ш., Зокирходжаев Ш.Я., Рузметова Д.А.</i> . . . . . 151	Сурхондарё регионида гипертония касаллигида кузатиладиган цереброваскуляр асоратларни ўрганиш <i>Расулова Р.П., Уролов Ў.А.</i> . . . . . 158
Илк ёшдаги болаларда ўткир диареяларнинг оғир ва асоратли кечиш хусусиятлари <i>Саъдинов П.О., Мустаева Г.Б., Омонова Ч.П.</i> . . . . . 151	Тизза бўғими гонартрозида магнетотерапия муолажасини қўшишнинг самарадорлигини баҳолаш <i>Амриллаев У.Ш., Ахмедов И.А.</i> . . . . . 158
Йўл транспорт ҳодисаларида жароҳатланишлар <i>Жуманиёзов К.Й., Жуманиёзова Г.С., Алимова М.М.</i> . . . . . 152	

(28,32%) xavf darajasida yurak ishemik kasalligi va arterial gipertenziyadan o'lganlarning soni yuqoriligi qayd etildi. E'tiborli tomoni shundaki, xavf darajasi past bo'lgan shaxslar orasida yurak ishemik kasalligi va arterial gipertenziyadan o'lganlar kuzatilmadi. Aytish mumkinki, xavf darajasi bilan yurak ishemik kasalligi va arterial gipertenziyadan yuz beruvchi o'lim orasida o'zaro bog'liqlik mavjud. Xavflilik darajasi oshishi bilan yurak ishemik kasalligi va arterial gipertenziyadan o'lganlarning soni oshib borishi aniqlandi.

### YUZ-JAG' SOXASIDA UCHRAYDIGAN FURUNKUL VA KARBUNKULLARNI DAVOLASHNI TAKOMILLASHTIRISH USULLARI

Narziyeva D.B., Muxtorov A.A., Ziyodullayeva M. S.

Самаркандский государственный медицинский университет, Самарканд, Узбекистан

Yuz furunkullari va karbunkullari yumshoq to'qimalarning eng keng tarqalgan yiringli-yallig'lanishli kasalliklari bo'lib, 30% holatda qayd etiladi. Yuz karbunkuli 13-15% bemorda asoratli kechadi, kasallik tez rivojlangan holatlarda bu ko'rsatkich 80-85%gacha yetishi mumkin. Bugungi kunda yuz furunkuli va karbunkullarini davolash muammosi yanada dolzarb ahamiyat kasb etib bormoqda, chunki ekologik muhitning yomonlashishi, an'anaviy ovqatlanish tartibining buzilishi, surunkali stress immunitetning neytrofil-fagositar va gumoral bo'g'imlariga shikast yetkazmoqda.

Tadqiqotning maqsadi fitoterapiya bilan birgalikda limfotrop yo'l bilan antibakterial preparatni kiritish bilan furunkullar va karbunkullarni davolashning kompleks usullarini ishlab chiqish va takomillashtirishdan iborat.

Tadqiqot materiallari va usullari. Furunkullar va karbunkullarning kechishi, ularning chastotasi va asoratlari xususiyatini o'rganish maqsadida 2016 yildan 2020 yil oralig'ida Samarqand shahar tibbiyot birlashmasining yuz-jag' jarrohligi bo'limiga «YuJS furunkuli va karbunkuli» tashxisi bilan yotqizilgan 161 nafar bemorning kasallik tarixi tahlil qilindi. Tashxis klinik va laboratoriya tekshiruvlariga asoslanib qo'yildi. Bemorlarning 54 nafari ayol, 93 nafari erkak va 14 nafari bolalar. Aksariyati yosh va mehnatga

**Xulosa:** Havflilik darajasi oshishi bilan o'lim holatlarining oshishi kuzatiladi va havflilik darajasi o'rtacha, yuqori va juda yuqori bo'lganida yurak ishemik kasalligi va arterial gipertenziyadan o'lganlar mos ravishda 6,98%, 14,29% va 28,32%ni tashkil etdi. Yurak ishemik kasallikdan o'lim holatlarining oldini olish maqsadida xavf omillar mavjud bo'lgan hamma shaxslarda EKG tekshirishlarini o'tkazish hamda xavf omillarni korreksiya qilish maqsadga muvofiqdir.

layoqatli 18-49 yoshdagi bemorlar (61%). Yallig'lanish o'choqlari yuz-jag' soxasi bo'ylab quyidagi tartibda taqsimlangani kuzatildi: burun sohasida — 25%, yuqori labda — 18%; pastki labda — 13%, luj sohasida — 12,4%; iyak, yonoq, ko'z kosasi osti, peshona va chakka sohalarida 5%dan, quloq oldi va pastki jag' osti sohalarida — 3,1%dan. Tekshiruv jarayonida bemorlar ikki guruhga bo'lindi: I taqqoslash guruhi (n=33) 19 erkak, 14 ayoldan, jami 33 bemordan tashkil topdi. I guruh bemorlarida antibiotiklarni mushak ostiga kiritishni o'zi ichiga olgan an'anaviy terapiya o'tkazildi. Asosiy guruhga 39 kishi kiritildi va ularning 22 nafarini erkaklar va 17 nafarini ayollar tashkil etdi. Yiring o'chog'i ochilgandan keyin asosiy guruh bemorlariga antibakterial preparat limfotrop usulda — bog'lam qo'yish paytida so'rg'ichsimon o'simta kletchatkasiga kuniga bir mahaldan kiritildi. Bu jarayonda Intralin antibakterial dori vositasi Zub-pre fitopreparati bilan birgalikda qo'llanildi.

Yana bir diqqatga sazovor jihat shundaki, furunkul va karbunkullar aniqlangan bemorlarning yarmidan ko'pi stasionarga birinchi sutka mobaynida murojaat qilgan, bu esa shifoxona bo'limining ixtisoslashuvi bilan bog'liq (yuz-jag' jarrohligi bo'limi shoshilinch tibbiy yordam ko'rsatish tartibida faoliyat yuritadi).

### АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯ ВА СЕМИЗЛИК БИЛАН ОФРИГАН БЕМОЛДАРДА АРТЕРИАЛ ҚОН БОСИМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нуритдинова Н.Б., Шукурджанова С.М., Махмудова М.С.

Ташкентская медицинская академия, Ташкент, Узбекистан

Артериал гипертензия (АГ) дунё бўйича кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, ишга лаёқатли аҳоли қатлами орасида ногиронликка ва ўлимга олиб келувчи асосий касалликлардан бири ҳисобланади. Семизлик АГ пайдо бўлишига ва ривожланишига сабаб бўлади. Семизлик билан оғриган беморларнинг 80% да артериал гипертензия аниқланади.

**Ишнинг мақсади:** абдоминал семизликда артериал гипертензияни ўзига хос кечиш хусусиятларини ўрганиш.

**Материал ва усуллар:** АГ мавжуд бўлган 56 та бемор (29 та аёл ва 27 та эркак) текширилди, уларнинг ўртача ёши  $56,7 \pm 10,3$  ни ташкил этди. Юрак-қон томир касалликлари асоратларини вужудга келиш хавфи стратификациясига кўра 10та беморда (35%) ўртача хавф, 38та беморда (45%) юқори хавф ва 8та беморда (20%) жуда юқори хавф аниқланди. Беморлар 2та гуруҳга ажратилди: АГ ва абдоминал семизлик билан касалланган беморлар (40 та бемор) ва АГ ва нормал тана вазнига эга бўлган беморлар (16 та бемор). Барча беморларда суткалик қон босимини мониторинг ўтказилди АГ ва семизлик мавжуд бўлган беморларнинг ТВИ бўйича 16 та беморда ортиқча тана вазни, 29 та беморда I даража семизлик, 11 та беморда II даража семизлик аниқланди. Барча беморларда биокимёвий қон таҳлили (липид спектри кўрсаткичлари, қанд миқдори ва креатинин) ўтка-

зилди. Барча беморларда SF 36 саволномаси ёрдамида ҳаёт сифати аниқланди.

**Текширув натижалари:** Артериал қон босимининг суткалик мониторинги кўрсаткичлари ўрганилганда АГ ва ортиқча тана вазни билан оғриган беморларда кўрсаткичлар ўртасида ишончли фарқ аниқланмади. Семизлик билан оғриган беморларда ўртача кунлик систолидиастолик артериал босим, кечки систолик артериал қон босими шунингдек, суткалик индекс семизлик билан оғриманган АГли беморларга нисбатан юқорилиги аниқланди. Нормал тана вазнига эга АГ ли беморларнинг 69%да тунги АҚБ нормал пасайиши кузатилди. Нормал тана вазнига эга АГли беморларда юқори вариабеллик 4 та (40%) беморда, ортиқча тана вазнига эга беморларнинг 8 тасида (50%), семизлик билан оғриган беморларнинг 29 тасида (67%) АҚБ нинг юқори вариабеллиги аниқланди.

**Хулоса.** АГ ва семизлик билан оғриган беморларда артериал қон босими ритмининг суткалик ўзгариши семизлик билан оғриманган беморларга нисбатан кўп учрайди. АГ ва семизлик билан оғриган беморларда артериал қон босимини суткалик мониторинги натижаларига кўра нон-диппер ва найт-пикер ҳолатлари кўпроқ учрайди.